(ЎЗБЕК БИЛИМ ХАЙЪАТИ ЭЪТИБОРИГА)

Чигатой адабиёти ва тилига Навоийнинг килгон хизмати жуда улугдир. Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси, менимча, ўша чигатой шевасидан ўзга эмасдир. Баъзи бир кишилар, Навоийдан анча кейин чиккан адиб ва шоирларимиздан бир-иккита соддарок ёзгонларини ушлаб олиб, уларни хаддан ташкари кўтармак билан наригини бир кадар туманлашдирмокчи бўлсалар хам, Навоий ўзбек тили ва адабиётида тегишлик юксак мавкеъини олгондир. Усмонли адабиётининг энг улуг вакили бўлгон Фузулийни машхур усмонли ёзгучиси Шамсиддин Сомибек Навоийдан кейинга кўйиб, кўрсатадир. Мана бу хам, Навоийнинг биргина ўзбек кавми адабиётида эмас, умум турк халки адабиётида хам ўзига яраша жой олгонини кўрсатадир.

Тарихларнинг кўрсатишига карагонда шу бир йил — бир ярим йил орасида улуг Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир... 500 йил ўзбек-чигатой адабиёти тарихига аллаканча нарсалар берган, унда канча ўзгаришлар ясагон, жуда узун бир муддатдир. Ўз адибларига 5—6 асрлик бир тарих яшата билган халклар унча кўб эмасдир. Демак, бизга хам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўгри келадир.

Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг хар 5 йили учун хам катта байрамлар ясайдирлар. Гарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказиладир. Бу тўгрида гапни чўзиб ўлтириш хожат эмас. Кўз билан кўрганимиз хам етиб ортарликдир.

Шунинг учун мен айтмок истайманким, Навоийнинг 500 йиллигини биз хам тегишлик даражада тантана билан ўтказишга шу топдан хозирлана бошлайлик. Бу йўлда мен куйидаги чораларни таклиф килиб, ўзбек билим хайъатининг диккатини шунга жалб килур эдим:

1. Хозирдан бошлаб яралик кишиларимиздан бир хайъат ташкил килиб, 500 йиллик байрамни мумкин кадар тантана билан ўтказиш йўлини топмокга ўшал хайъат вакил килинсун.

2. Хайъат Навоийнинг босилмагон асарларини топиб, босдиришга лозим кўрулгонларини байрамгача босдириш чорасини кўрсун.

3. Навоийнинг мукаммал таржимаи холи ёздирилсун.

4. Навоийнинг шеваларидан терма бир асар тузулуб, нафис килиниб босдирилсун.

5. Навоий номига юкори ўкуш юртларининг адабиёт-тил факультетларида ўзбек талабалари учун стипендиялар очилсун.

6. Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийга хайкал тикилсун.

7. Баъзи бир ўзбек шахарларининг кўча исмлари Навоий отига кўюлсун.

_____

500 йил. (Ўзбек билим хайъати эътиборига). — 20-йилларда авж олган ўтмишга, ўтмиш маданиятига нигилистларча муносабатда бўлиш тенденциялари соглом фикрловчи зиёлиларни чукур ташвишга солган. Чунки жадидчиликнинг илгор гоялари таъсирида тарбияланган кўплаб зиёлиларимиз миллатнинг ўзини таниши, ўзлигини англашида ўтмишнинг нечогли мухим омил эканини билганлар. Чўлпон Ўзбек билим хайъатига мурожаат килиб ёзган, мазкур очик хат «Туркистон» газетасининг 1924 йил 23 сентябрь сонида эълон килинган.

Шамсиддин Сомибек (1850—1960) — машхур турк шоири, адиби ва мутафаккири.

«Тарихларнинг кўрсатишмга карагонда шу бир йил — бир ярим йил орасида улуг

Навоийнинг вафотига 500 йил тўладир...»
— фикримизча, бу ўринда матбаа хатоси ўтиб кетган ёки Чўлпон адашган. 1926 йилда, яъни Чўлпон айтмокчи якин бир-бир ярим йил ичида Навоий вафотига 425 йил тўлар эди. Куйирокда эса муаллиф «Навоийнинг 500 йиллиги» тантаналари хакида гапиради. Чамаси, Чўлпон шоир вафотининг 425 йиллигини, ва кейинрок, таваллудининг 500 йиллигини нишонлашни назарда тутган.